БЕШЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ УЛКАН ЗАФАРЛАРГА ЭРИШАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 26 (5887).

5 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

7 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ.

КОММУНИСТИК МЎЛ-КЎЛЧИЛИК БУНЁДКОРЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ЗАРБДОР

СУРЪАТ, ЮКСАК СИФАТ БЎЛСИН

Беш йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистон қурувчилари сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Капитал маблағ ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари плани оширib бажарилди. 4,3 миллиард сўмлик, яъни 1975 йилдагидан қўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, салкам 5 миллион квадрат метр уй-жой, юз минг гектардан ортиқ лиҳ ерлар фойдаланиш учун топширилди. Ишлаб турган саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва янги корхоналар қуриш давом эттирилди, кўлгина йирик объектлар ишга туширилди. Шу кунларда қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланаётган коллективларда социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори мусобақа қатнашчиларини меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Республика партия-хўжалик активининг 4 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши бутун тармоқ ишини янада яхшилаш йўлларини муҳокама қилди.

Йиғилишга область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, халқ контроли органларининг ходимлари, қурилиш илғорлари ва новаторлари таклиф қилинди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларининг вазифалари тўғрисида ҳамда уларнинг 1977 йилги ва ўнинчи беш йиллиқдаги социалистик мажбуриятлари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда: Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Ўзбекистон ССР Қурилиш министри С. А. Омеров, «Қирққизсовхозстрой» трестининг бошқарувчиси А. К. Каримбоев, Жиззахдаги 27-қурилиш трести пардозловчилар бригадири Г. М. Манаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, республика Қишлоқ қурилиши министри Ҳ. М. Носиров, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Бухородаги 163-қурилиш трести ғишт терувчилар бригадири Х. Отаев, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри И. К. Бородавко, «Андижанирстрой» трести экскаватор машинистлари бригадири Е. Марасулов, Самарқанд область партия комитетининг секретари И. К. Юсупов, «Ўзколхозстрой» бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести партия комитетининг секретари Н. А. Тонким, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Фарғонадаги 9-қурилиш трестининг бошқарувчиси К. Э. Эгамбердиев, Қашқадарё область партия комитетининг секретари Х. Тошев сўзга чиқдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, капитал қурилиш соҳасидаги бутун ишни янада такомиллаштириш учун план топшириқларининг эмас, юксак социалистик мажбуриятларни ҳам бажариш учун ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларини ишга солиш зарур. Қурилиш коллективларида социалистик мусобақани ав ж олдириш, планлаштириш ва таъминотни яхшилаш, битмай қолган ишлар ҳажмини камайтириш, қурилиш сифатини ошириш, бригада пудрати ва «Орловликларнинг узлуксиз методи» каби меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини жорий этиш бунга эришишга ёрдам беради. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда шонли ишлар билан кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик программасини муддатидан илгари тугаллаш—республика қурувчиларининг юксак бурчидир.

Йиғилишда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши қабул қилган қарорда қурилиш-монтаж, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг 1977 йилги ва ўнинчи беш йиллиқдаги социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССР Қурилиш министрининг ўринбосари А. П. Парфенков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРЬ БОҒЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент кабель заводи прокат-чўзиш цехи ишчилари, инженер-техник ходимлари партиянинг ўнинчи беш йилликни самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантириш ҳақидаги чақириғига жавобан КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кам сарф билан юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солиш йўлида изланиш олиб бормоқдалар.

Цех коллективи 1976 йилнинг августида «Сифат белгили маҳсулотдан — Сифат белгили цехга» шиори остида меҳнат қилиш юзасидан ташаббус бошлади. Коллектив ўнинчи беш йиллик давомида барча тайёр маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилишига эришиш ва ҳамма маҳсулотнинг 99,85 процентини биринчи кўрсатишдаёқ топшириш даражасига эришишга аҳд қилди.

Цехда шу вазифанинг бажарилишини таъминлаш учун чоралар ишлаб чиқилди, ишчилар, инженерлар ва техникларнинг ижодий активлигини ошириш, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларга қарши курашни кучайтириш, барча материалларни тежаш, техник-иқтисодий ва снёсий билим даражани ошириш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг барча йўналишлари бўйича активликни кучайтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга қаратилган иш муттасил олиб борилмоқда.

Цех ишчиларидан 186 киши маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш ва уни биринчи кўрсатишдаёқ топшириш системаси асосида ишлаш ҳақида мажбурият олди. Бу ҳаракатда КПСС аъзолари — вальцовкачи А. С. Филиппов, слесарлар бригадири Н. С. Шатохин, куйдирувчи А. Иногомов, эритувчи Е. Ф. Сантов, қуювчи М. В. Книшев ва бошқалар авангардлик қилишяпти.

Сўнгги вақтда цехда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулотни тайёрланиши давомида назорат қилиш усулларини яхшилаш юзасидан бутун бир тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишда анчагина ўзгаришлар юз берди. Хомашё, материалларнинг сифатига нисбатан талаб кучайди. Ана шуларнинг ҳаммаси тайёрланаётган маҳсулот сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

Амалга оширилган тадбирлар прокат-чўзиш цехи коллективига истеъмолчиларга юборилаётган барча маҳсулотнинг 98,4 процентини Сифат белгиси билан чиқариш, маҳсулотнинг биринчи кўрсатишдаёқ техника контроли бўлимига топшириш даражасини 99,85 процентга етказиш имконини берди. Ҳозирги вақтда цехда ишлаб чиқарилаётган ҳамма 9 та маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга муяссар бўлган. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди ва пландагидан ташқари 3,8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, Чиқиндиларни камайтириш ҳисобига 74 тонна рангли металл тежаб қолинди.

Прокат-чўзиш цехи коллективининг ташаббусини корхона партия ва касаба союз комитетлари маъқулладилар, заводдаги барча партия ва касаба союз ташкилотларига ана шу қимматли ташаббусни кенг ёйиш таклиф этилди.

Завод партия комитети корхона партия ташкилотлари фаолиятига раҳбарликни доим такомиллаштирмоқда, уларнинг диққат-эътиборини иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, социалистик меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, меҳнаткашларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш фазилатларини тарбиялашга қаратмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети Тошкент кабель заводининг «Сифат белгили маҳсулотдан — Сифат белгили цехга» шиори остида меҳнат қилиш юзасидан ташаббус кўтарганини маъқуллади.

Шаҳар ва район партия комитетларига, саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига Тошкент кабель заводи прокат-чўзиш цехи коллективининг ташаббусини кўллаб-қувватлаш ва иш тажрибасини кенг ёйиш тавсия этилди.

Шаҳар ва район партия комитетларига, хўжалик раҳбарлари ва саноат корхоналарининг партия ташкилотлари зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилди:

фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта ускунаташ, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисобот докладида белгиланган талабларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

Стандартлар ва техник шартлар даражасини ошириш, стандартларни жорий қилиш ва уларга амал қилиш ишида давлат интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек маҳсулотни аттестация қилиш ишлари даражасини ошириш, техника контроли бўлимлари ишини кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқаришш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири — тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича талабчанликни кучайтириш, меҳнаткашларни регламентлар, стандартларни ўз вақтида жорий қилиш ишида юксак масъулият, технология интизомига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялаш.

Шаҳар ва район партия комитетларига бошланғич партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик, снёсий ва ғоявий-тарбиявий ишини тайёрланаётган маҳсулот сифатини ҳар томонлама оширишга йўналтириш таклиф этилди. Барча корхоналарда сифатни бошқаришнинг комплекс системаси жорий қилинишига эришиш, бу ишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилиш, меҳнат коллективларида брак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларга нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш керак. Корхоналар меҳнаткашларининг меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан шахсий планлар ишлаб чиқишга қаратилган ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига Тошкент кабель заводи прокат-чўзиш цехи коллективи оширилган маҳсулотининг қандай бажаригаётганлигини ҳамда бу коллектив ташаббусини издошлари фаолиятини муттасил ёритиб бориш топширилди.

«САЛЮТ-4» СТАНЦИЯСИНИНГ ПАРВОЗИ ТУГАДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ 3 февраль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станциясининг узоқ давом этган космик парвози тугади.

Илгари хабар қилинганидек, станция 1974 йил 26 декабрь куни ер атрофидаги орбитага чиқариб қўйилган эди. Станциянинг актив фаолияти вақтида унинг ичида космонавтларнинг икки экспедицияси жами 93 кун ишлади. Станциянинг учувчисиз космик кема—«Союз-20» билан биргаликдаги уч ойлик парвози ҳам ўтказилди.

3 февраль куни Москва вақти билан соат иккигача станция ер атрофини 12 минг 188 марта айланиб учди. Парвоз программасига мувофиқ якунловчи операциялар ўтказилгандан кейин «Салют-4» станцияси ердан берилган командаларга биноан фазода мўлжал олдирилди ва ҳисоблаб қўйилган вақтда унинг двигатель қурилмаси ишга солинди. Тормозланиш натижасида станция қўниш траекториясига ўтди, Тинч океан акваториясининг илгаридан белгилаб қўйилган районига тепасида атмосферанинг тиғиз қатламларига кирди ва йўқ бўлиб кетди.

Тадқиқотлар программасининг асосий қисми аввал станция ичида космонавтлар Губарев билан Гречконинг бир ойлик иши давомида, сўнгра Климук билан Севастьяновларнинг икки ойлик экспедицияси вақтида бажарилди. Космонавтлар қуёшни, юлдузларни ва сайёраларни электр магнит нурланишлари спектрининг кенг диапазонида тадқиқ қилдилар, Совет Иттифоқи территориясини ўрта ва жанубий кенгликларда комплекс суратга туширдилар. Ер атмосферасидаги ва космик фазодаги физикавий жараёнлар тўғрисида катта ҳажмдаги илмий ахборот олдилар.

Станция парвози вақтида перспектив космик аппаратларнинг янги системалари, приборлари ва агрегатларини тадқиқ этиш ҳамда пухталаштиришга доир техникавий экспериментлар ўтказилди. Медицина—биология тадқиқотларининг катта программаси ҳам бажарилди. Станция автомат режимда учиб юрган пайтда бир қанча илмий-техникавий экспериментлар бажарилди.

«Салют-4» станциясининг икки ойдан ортиқ вақт мобайнидаги парвози фан ва техниканинг кўпгина соҳаларидаги ишларнинг катта программасини амалга ошириш имконини берди. Шу давр мобайнида станция парвозининг космонавтлар бошқарган ва автомат тарздаги режимларида 300 дан ортиқ илмий-техникавий эксперимент ўтказилди.

Бутун парвоз давомида «Салют-4» станциясининг борт системалари нормал ишлаб турди.

Олинган натижалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқ хўжалиги, фан манфаатлари ва космик техникани янада такомиллаштириш манфаатлари йўлида муваффақиятли равишда қўлланилмоқда.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитети январь ойининг учинчи ўн кунлигида 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг бажарилиш якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз район**ига (район партия комитетининг секретари **К. Б. Мамедов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Р. Бузруков**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари район касаба союз комитетининг раиси **А. Х. Охунов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Умаров**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Э. Бойназаров**, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи **К. Шабанов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **С. А. Саямов** ўртоқлар) берилди. Бу район 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришди.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Шунингдек, **Бекобод**, **Пискент**, **Калинин**, **Тошкент**, **Юқори Чирчиқ** районларида ҳам 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда яхши кўрсаткичларга эришди.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Шунингдек, **Бекобод**, **Пискент**, **Калинин**, **Тошкент**, **Юқори Чирчиқ** районларида ҳам 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда яхши кўрсатганлиги таъкидланди.

Оққўрғон, Оҳангарон районларида бу ишларни амалга оширилишида суст кашлика йўл қўйилаётганлиги қайд қилинди.

Область матлубот жамиятига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Чиноз районига битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари, 1976 йилда пахта, галла, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларини бажаришда кўрсатган шавкатли меҳнатлари учун қишлоқ хўжалик илғорларидан катта группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланган эдилар. Бўка, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Янгийўл ва Чиноз районларида қишлоқ хўжалик илғорларига СССР орден ва медаллари топширилди.

Ҳукуматнинг юксак мукофотини Тошкент область партия комитети бюро аъзоси, область партия комитетининг бюро аъзоси, касаба союзлари область Советининг раиси А. В. Брайлов, область партия комитети бюро аъзолигига кандидат, область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири О. З. Зуфаров ўртоқлар топширишди.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

● БЎКА. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 277 центнер гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 519 килограммни ташкил этди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 18 килограммдан кўпдир. Хўжалик чорвадорлари эришган бу ютуқда Мамат Искандаров, Абдураим Баратов, Аблямет Собиров сингари тажрибали бўрдоқибоқарларнинг қўшган ҳиссаси муносиб бўлди.

Х. АСРОҚУЛОВ.

* * *

● ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхози меҳнат аҳли ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли бошладилар. Чорвадорлар давлатга гўшт сотиш бирinчи квартал планини 152 процентга адо этдилар. Пландан ташқари 201 центнер гўшт етказиб берилди. Бўрдоқибоқарлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна давлатга 200 центнер гўшт топшириш мажбуриятини олдилар.

Ш. УМАРОВ.


АГРОНОМЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

ЯНГИЙЎЛ. Район ўсимликларини ҳимоя қилиш станцияси томонидан ташкил этилган бир ойлик курсда машғулотлар қизиқарли ўтди. Курсда ҳаммаси бўлиб 40 га яқин агроном-энтомологлар ўз малакаларини оширдилар.

Машғулотларда гўза зараркунандаларига қарши курашнинг самарали усулларидан фойдаланиш, препаратларни сақлаш ва ишлатиш нормалари асосий эътиборда бўлди. Бу ҳақда таниқли мутахассислар лекция ўқидилар. Шунингдек, илғор хўжаликларнинг агрономлари сўзга чиқиб тажриба алмашдилар. Айниқса, «Ленинизм» колхозининг агрономэнтомологи Маҳмуд Ортиқов суҳбати тингловчиларга манзур бўлди.

В. БОБОҲОНОВ.







Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг Мактубига жавобан бу йил ҳосилдорликни 37 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Ҳозир хўжаликдаги мавжуд 20 та трактор, 20 та сеялка, 57 комплект борона ва бошқа техника восталари кўкламга пай қилиб қўйилди. Бу ишда, айниқса, тракторчи А. Тутенбоев, участка механиклари Қ. Бобонов ва П. Бурхоновлар жонбозлик кўрсатдилар.

Ж. Тўраев фотоси.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Қ. МУРТАЗОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Қаюм Муртазоев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат Давлат Комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

Тошкент шаҳри,
1977 йил 4 февраль.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲАЛАШ-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят юксалган бир вазиятда 1977 йил — Улуғ Октябрнинг олтмиш йиллиги нишонланадиган йилга қадам қўйдилар. КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорлари, Улуғ Октябрь юбилейига тайёргарлик меҳнаткашлар ижодий активлигини янада ривожлантирган қудратли омил бўлди.

Республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд резервлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўнинчи беш йилликни комил ишонч билан бажаришга киришдилар, социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидек, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан 1976 йил планини муддатидан илгари, 20 декабрда адо этдилар. Топшириққа қўшимча равишда 421 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми планда мўлжалланган 3,2 процент ўрнига 5.4 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги бир йил ичида 3,5 процент кўпайди.

Маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Қарийб 800 буюм давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди.

700 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бир қанча йирик ишлаб чиқариш ва корхоналар ишлаб турган корхоналар қаторига ўтди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар мураккаб шароитларда пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар ва социалистик мажбуриятларни анча ортиғи билан бажариб, давлатга 5 миллион 338 минг тонна ана шу қимматли хом ашёни сотдилар. Ҳар гектардан ўрта ҳисобда 30 центнердан пахта олинди. Гвардиячи-механизаторлар зўр минтақадорчилик ва ташаккурга муносиб иш қилдилар. Улар ўзларининг «занғори кемалари» бункеридан 2 миллион 900 минг тонна пахта тўкдилар.

Барча транспорт ва алоқа тармоқлари корхоналарининг коллективлари давлат планини муваффақиятли бажардилар. Пландан ташқари 8 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалик моллари ташиб олинди.

Автомат, шаҳарлараро, шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси, телевидение ва радио эшиттириш воситалари тобора ривожланди.

Ўзбекистон саноатининг ходимлари эришилган муваффақиятлардан фахрланиб, зўр сиёсий активлик ва меҳнат шижоати билан янги 1977 йил — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллиги нишонланадиган йилни бошлаб юбордилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик қурилиш программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун интилиб, КПСС XXV съездининг қарорларига, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида илгари сурган қоидалар ва вазифаларга, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилдилар ва ўзларининг бутун куч-ғайратларини ижтисодий ва сифат жиҳатидан энг юксак натижаларга эришиш, 1977 йил планини ва умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

Ўзбекистондаги саноат, транспорт ва алоқа ходимлари 1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

САНОАТ

Асосий эътибор реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот сифатини оширишга, машина-ускуналардан энг самарали фойдаланишга қаратилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш беш йиллик планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йил 1 декабргача бажарилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 6 баравар кўпайтирилади, фондларнинг бераднган самараси оширилади. Машинасозликда машина-ускуналарнинг смена бўйича ишлаш коэффициенти 20 процент кўпайтирилади

Маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 22 декабрда бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини 1976 йилдагига нисбатан планда 4,5 процент ўрнига 7,7 процент ўстириш таъминланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планда белгиланган топшириқ бир ярим баравар ортиғи билан бажарилади. Маҳсулот ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Саноат ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда пландан ташқари 400 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қиладилар. Юбилейгача қўшимча равишда 230 миллион куб метр газ, 135 минг тонна минерал ўғит, 200 та трактор, 8 минг тонна пўлат ва прокат, 24 минг тонна пахта толаси, 410 минг погон метр шойи газлама, 5,2 миллион сўмлик кийим-кечак, 240 минг жуфт чарм пойафзал, 11 минг тонна ўсимлик мойи, 15 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Йил охиригача пландан ташқари 200 миллион киловатт соат электроэнергия, 105 минг тонна кўмир, 20 минг тонна цемент, 1,5 миллион сўмлик электротехника саноати буюмлари, 5 минг погон метр ип газлама ва 346 минг квадрат метр ўраш газламаси, 8,5 минг тонна макарон ва кондитер маҳсулотлари, 20 миллион дона шартли банка консерва ишлаб чиқарилади

Янги техника ва янги технологияни жорий этиш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилади. 400 та механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган поток линия жорий этилади. Машина-ускуналарнинг иш сменаси коэффициенти ўтган йилдагига нисбатан 5 процент оширилади ва 1,4 га етказилади. Пландан ташқари 30 миллион сўм фойда олинади.

Бошқаришни тобора такомиллаштириш, кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда саноат корхоналари бирлашмаларини, филиалларини вужудга келтириш, шунингдек бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини кенг жорий қилиш соҳасидаги ишлар давом эттирилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати, ишончлиги ва ундан узоқ вақт фойдаланиш муҳлатлари оширилади. Львов областидаги илғор корхоналарнинг маҳсулот сифатини назорат қилиш комплекс системасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш соҳасидаги тажрибасини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш асосида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 4,5 процентдан 7,9 процентгача, беш йилликнинг охирига бориб эса бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процентга етказилади.

380 буюм давлат Сифат белгисини олиш учун тайёрланади ва аттестация қилинади. Машиналар, приборларнинг 780 та янги хили, кийим-кечак, пойафзалнинг 1300 модели, газлама турлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган моллар ўзлаштирилади ва ишлаб чиқилади.

Харидоргир молларга бўлган эҳтиёжларни яхшироқ қондириш мақсадида чинни идишлар ишлаб чиқариш 300 минг сўм, пайпоқ 1,5 миллион сўм миқдорида, ички ва устки трикотаж 135 минг дона, галантерея буюмлари 100 минг сўм миқдорда кўпайтирилади. Синтетик ювиш машиналари ишлаб чиқариш икки баравар оширилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини тобора такомиллаштириш ва яхшилаш, барча моддий ресурслардан янада рационал фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, буюмларга сарфланадиган материалларни камайтириш йўли билан камида 200 миллион киловатт-соат электроэнергия, 31 минг тонна шартли ёқилғи, ўн минг тонна металл, 60 минг куб-метр ёғоч материаллар, 55 минг тонна цемент, 55 минг тонна пахта, 8,4 минг тонна калава, 8,2 миллион квадрат дециметр чарм моллар, 575 минг квадрат метр ип-газлама ва 205 минг квадрат метр ўраш газламалари, 12 минг тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа кўп буюмлар тежалади.

Илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари ўз куч-ғайратларини тадқиқот ва ечимларнинг самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга, фанни ишлаб чиқариш билан тобора бирга қўшиб олиб боришга сарф киладилар. Техника билан қайта қуроллантиришда, янги машиналар, приборлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, янги технология жараёнларини жорий этиш ва маҳсулот сифатини яхшилашда корхоналарга ёрдамни кучайтирадилар.

Фанлар академиясининг институтлари 30 га яқин илмий ечимни ишлаб чиқаришда синаб кўриш ва саноатда жорий этиш учун топширадилар.

Янгийўл Биохимия заводида хамиртуруш тайёрлаш жараёнини бошқариш системаси ўрнатилган ярим саноат установкаси ишга туширилади. СССР Газ саноати министрлиги корхоналарида магистрал газопроводи компрессор станцияларининг иш режимларини ҳисоблаб бориш программаси жорий этилади.

Қуёш ёрдамида сув иситиш қурилмалари ва хусусий фойдаланиладиган ошхона лойиҳалари саноатга топширилади.

Механика ва зилзилага чидамли иншоотлар институти пахта териш машиналари конструкцияларини тобора такомиллаштириш соҳасида биргаликда олиб бориладиган ишларни давом эттиради.

Химия институти Олмалиқ химия заводи фосфогипсидан цемент клинкерини қуйдириш вақтида минерализатор сифатида фойдаланиш ҳақидаги тавсияларни жорий этиш мақсадида топширади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспорт ходимлари халқ хўжалиги ва аҳолининг барча транспорт турларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, беш йиллик планда ташқари 25 миллион тонна халқ хўжалик юкларини ташиш, 1977 йилда юк ташиш планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари камида 3,3 миллион тонна юк ташиш мажбуриятини оладилар.

Алоқа корхоналари ходимлари шаҳарларда ва қишлоқ жойларда 64,5 мингта номерли телефон ўрнатадилар, шаҳарлардаги автомат телефон станцияларининг қувватидан фойдаланиш коэффициенти 1976 йилдаги 75,8 процент ўрнига 86 процентга, қишлоқ жойларида 1976 йилдаги 76,6 процент ўрнига 83 процентга етказадилар.

Республикадаги министрликлар, идоралар ва бирлашмаларга қарашли корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективлари 1977 йилда ва ўнинчи беш йилликда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Газ запасларини кўпайтириш юзасидан ўнинчи беш йиллик план тўрт йил ичида бажарилади. 1980 йил 1 июлга қадар ерости сувлари запасларини кўпайтириш юзасидан беш йиллик топшириқларининг бажарилиши таъминланади. Мис запасларини кўпайтириш, колонкавий пармалаш ва ер ости кончилик разведка йўлларини қазиш плани Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажарилади.

Геология-разведка ишларининг асосий турлари бўйича йиллик план 28 декабргача бажарилади. Газ запасларини кўпайтириш плани 50 процент, мис запасларини кўпайтириш плани 3 процент ва олтин запасларини кўпайтириш плани 1 процент ошириб бажарилади.

Нефть ва газ чиқадиган майдонларни геофизик методлар билан чуқур пармалашга тайёрлаш плани 101 процент бажарилади.

Меҳнат унумдорлиги ер ости кончилик йўлларини қазишда бригада бўйича топшириққа нисбатан 2,5 процент, саноат корхоналарида 0,3 процент оширилади. Нефть ва газ конларига чуқур пармалаб қудуқ қазиш йиллик плани 23 декабргача бажарилади ва тежалган воситалар ҳисобига қўшимча равишда 1000 метр ҳажмида чуқур қудуқлар қазилади.

Илмий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан шартли равишда 4,0 миллион сўм тежалади, пландан ташқари 10 та ечим жорий этилади. 920 та рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 1,2 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Геологик-разведка ишлари учун ишлатиладиган 220 тонна қувур, 180 тонна тампонаж цемент, 200 куб метр ёғоч-тахта, 900 тонна шартли ёқилғи ва 800 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади.

Қидирув-разведка ишлари давомида пармаланган 30 та қудуқ қишлоқ хўжалигига топширилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Ўзбекистон энергетика системасининг қуввати беш йиллик охиригача 8,75 миллион киловаттга етказилади. Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300 минг киловатт-қувватли бешта энергетика блоки. Навоий ГРЭСида ҳар бири 210 минг киловатт қувватли иккита блок. Фарғона ТЭЦида ҳар бири 100 минг киловатт қувватли иккита турбина ишга туширилади. 24,3 минг километр узунликда электр линияси қурилади. Электр линияларидаги нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига 200 миллион киловатт соат электр энергияси тежаб қолинади.

Электр ва иссиқлик энергиясини реализация қилиш йиллик плани 28 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот берилади, планга қўшимча равишда 200 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилинади.

Пландан ташқари 500 минг сўмлик фойда олинади.

Асбоб-ускуналарнинг планга мувофиқ тайёрлиги 1 процент ошириб бажарилади.

2540 та рационализаторлик таклифи, янги техникага доир 40 та тадбир ва меҳанизм илмий ташкил қилишга доир 410 та тадбир жорий этилиб, 11 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий наф олинади

Электр тармоқларидаги нобудгарчиликни ва ўз эҳтиёжларига электр энергияси сарфлашни камайтириш ҳисобига 45 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

1 киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфи 0,3 грамм камайтирилади, шу йўл билан 10 минг тонна ёқилғи тежаб қолинади. Генератор асбоб-ускуналарининг капитал ремонтда бўлиш муддати 3,2 процент кискартирилади ва асосий асбоб-ускуналар ремонтининг смета қийматини камайтириш ҳисобига 120 минг сўм иқтисодий наф олинади.

Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300 минг киловатт қувватга эга бўлган иккита энергетика блоки, шу жумладан олтинчи энергетика блоки 29 сентябргача, еттинчи энергетика блоки 22 декабргача, Фарғона ТЭЦида 100 минг киловатт қувватли турбогенератор ва 500 киловольт кучланиш билан ток қабул қиладиган 564 минг киловольт-ампер қувватли «Ғузор» подстанцияси 22 декабргача муддатидан илгари ишга туширилади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик план топшириқлари 1980 йил 7 ноябргача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқ 1980 йил 20 ноябргача адо этилади ва план 3,8 процент ошириб бажарилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 8 баравар кўпаяди.

Маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари, 21 декабрь куни бажарилади. Пландан ташқари 52 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча равишда 5000 погон метр ип-газлама, 495 минг погон метр шойи газлама, 135 минг дона трикотаж, 1 миллион 500 минг жуфт пайпоқ, 292 минг жуфт чарм пойафзал, 4,2 миллион сўмлик кийим-кечак ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,0 процент оширилади ва ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Ички хўжалик резервларини ишга солиш, иқтисодий тежашни кучайтириш йўли билан 1,0 миллион сўмлик пландан ташқари фойда олинади.

Янги техника ва технологияга доир 220 та тадбир жорий этилиб, 5,4 миллион сўмлик иқтисодий наф олинади. 1650 та янги технология ускунаси ўрнатилади, 30 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 35 та механизациялашган поток линия жорий этилади. 5600 та рационализаторлик таклифини жорий этиш йўли билан 5,4 миллион сўмлик иқтисодий наф олинади.

185 та маҳсулот давлат Сифат белгиси олишга тақдим этилади ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи 6,2 процентга етказилади.

Хом ашё ва материал сарфини камайтириш ҳисобига 114 тонна пахта толаси, 24 тонна сунъий шойи, 8 миллион 230 минг квадрат дециметр хром чарм товар, 151 минг квадрат метр тикувчилик газламаси, 13 миллион киловатт-соат электр энергияси, 38.500 гекакалорий иссиқлик энергияси, 5000 тонна ёқилғи тежаб колишга эришилади.

Жами саҳни 43.4 минг квадрат метр уй-жой бинолари ва ётоқхоналар. 1260 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилади.

Асосий оммавий касбдаги 14 минг янги ишчи тайёрланади ва 25 минг ходимнинг малакаси оширилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқ 1980 йил 7 ноябргача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик план 1980 йил 1 декабргача бажарилади. Меҳнат унумдорлиги беш йиллик планга нисбатан 4,4 процент оширилади.

Маҳсулот реализация қилиш давлат плани муддатидан илгари —20 декабрда бажарилади. Йиллик пландан ташқари 150 миллион сўмлик, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача эса 110 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Қўшимча равишда 29,4 минг тонна пахта толаси, 3,8 минг тонна линт, 346 минг квадрат метр ўраш газламаси ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,5 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни доимо такомиллаштириш, материал ва меҳнат ресурсларини ҳар тарафлама тежаш, унумсиз чиқимларни қисқартириш асосида пландан ташқари 5,4 миллион сўмлик фойда олишга эришилади.

Янги техникага доир тадбирларни ва 1740 та рационализаторлик таклифини жорий этиш ҳисобига 2,4 миллион сўмлик йиллик иқтисодий наф олинишга таъминланади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати сарфи 1,2 процент камайтирилади.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг республика қурилиш трести бажарадиган қурилиш-монтаж ишлари плани 1977 йил 20 декабргача бажарилади. 840 ўринли болалар боғча-ясслари, 300 ўринли ошхоналар муддатидан илгари ишга туширилади. 17,8 минг квадрат метр уй-жой қурилади, шундан 11 минг квадрат метри ҳўжалик усулида битказилади.

240 минг тонна юқори сифатли уруғлик чигит тайёрланиб, 1977 йил 15 апрелгача колхоз ва совхозларга етказиб берилади.

Пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва механизация воситаларини капитал ремонт қилиш 1977 йил 15 августгача ва пахта тозалаш заводларини ремонт қилиш 1977 йил 1 сентябргача муддатидан илгари тугалланади.

Хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига 204,9 минг квадрат метр ўраш газламаси. 192 тонна сим, 5,8 минг тонна пахта, 100 минг тонна каноп толаси, 16,0 миллион киловатт-соат электр энергияси. 934 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

2000 янги ишчи тайёрланади ва 5800 кишининг, шу жумладан 2000 инженер-техник ва хизматчининг малакаси оширилади ,иқтисодий таълимга 12.2 минг киши жалб этилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари, 1980 йил 1 ноябрда, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқ 1980 йил 10 ноябрда бажарилади. 50 турдаги маҳсулотга давлат Сифат белгиси беришга эришилади ва олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи 16 процентга етказилади.

1977 йилнинг маҳсулот реализация қилиш плани муддатидан илгари —16 декабрда бажарилади, қўшимча равишда 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Саноат ишлаб чиқаришни 1976 йилдагига нисбатан 6,4 процент ўстириш таъминланади.

Йиллик пландан ташқари 13,8 минг тонна ўсимлик ёғи, 10000 тонна совун (40 процентли ҳисобда), 1,7 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 3 минг тонна макарон маҳсулотлари, 200 тонна натурал чой ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, илғор тажрибани, меҳнатни илмий ташкил қилиш планларини кенг жорий этиш, иш вақтидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,5 процент оширилади

Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг камида 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, хом ашё, материал, энергетика ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқаришдаги чиқит ва нобудгарчиликни қисқартириш ҳисобига 150 тонна ун, 3,4 минг тонна шартли ёқилғи, 7.000 миниг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Фан-техника тараққиётига доир 22 тадбир, 660 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, йилига жами 1,9 миллион сўмлик иқтисодий наф кўрилади. Маҳсулотнинг 45 та янги ва яхшиланган тури ўзлаштирилади ҳамда ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотнинг 25 турига давлат Сифат белгиси берилишига эришилади. Олий Сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 6 процентига етказилади.

Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ҳисобига пландан ташқари 1,6 миллион сўмлик маҳсулот олинади.

Малакани ошириш курсларида 3700 кишига таълим берилади, 15 минг киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириқ 1980 йил 20 ноябргача, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириги 1980 йил 1 августда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 4,5 процент оширилади. Ангрен, Нукус, Гулистон, Қўқон, Жиззах гўшт завод-ларининг муддатидан илгари ишга туширилиши таъминланади. Беш йиллик мобайнида олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш уч баравар кўпайтирилади.

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари, 10 декабрда бажарилади. Йиллик пландан ташқари 26 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Саноат ишлаб чиқаришини 1976 йилга нисбатан 12 процент ошириш таъминланади. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг камида 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан бир процент оширилади, пландан ташқари 1,0 миллион сўмлик фойда олинади.

Йиллик пландан ташқари 26 миллион сўмлик товар маҳсулот, шу жумладан 7 минг тонна гўшт, 1000 тонна колбаса, 20 минг тонна каймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, 1500 тонна сариёғ, 1000 тонна қадоқланган гўшт маҳсулотлари, 500 тонна гўшт яримфабрикатлари ишлаб чиқарилади. Гўшт ва сут маҳсулотининг 14 та янги тури ўзлаштирилади.

Тўрт турдаги колбасага ва икки турдаги сут маҳсулотига давлат Сифат белгиси берилишига эришилади. Сифат белгиси кўйилган маҳсулот салмоғи 3.6 процентга етказилади.

Технология жараёнларини ва маҳсулот сифатини яхшилаш, материал-техника ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан 1510 минг киловатт-соат электр энергия, 7400 гекакалорий иссиқлик энергияси, 1000 тонна шартли ёқилғи тежашга эришилади.

Кўл механизатининг салмоғи 1.5 процент камайтирилади. Йилига 190 минг сўм иқтисодий наф берадиган камида 220 та рационализаторлик таклифи ва ихтиро ишлаб чиқилиб, жорий этилади

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириги муддатидан илгари, 1980 йил 7 ноябрда бажарилади. 115 хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилиши таъминланади ва олий Сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 10 баравар кўпайтирилади.

Маҳсулот реализация қилиш 1977 йилги давлат плани 20 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Қўшимча равишда 2,0 миллион сўмлик миқдорда кийим-кечак. 10,0 минг квадрат метр линолеум тайёрлаш учун газлама, 1000 тонна рўзғорбоп пахта, 100 минг сўмлик тўкимачилик-галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Маҳаллий хом ашёлар ва ишлаб чиқариш чиқитларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш ҳисобига пландан ташқари 350 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0.8 процент оширилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг 70 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Ички резервларни ишга солиш ва иқтисодий тежашни кучайтириш ҳисобига пландан ташқари 200 минг сўм соф фойда олинади

1 миллион 400 минг киловатт-соат электр энергияси, 760 тонна кўмир, 60 тонна ёқиладиган мазут, 25 тонна алюминий прокати, 300 тонна кора прокат тежаб колинади.

Маҳсулотнинг 240 та янги тури ўзлаштирилади, 19 та маҳсулот давлат Сифат белгиси бериш учун тақдим этилади.

Фан-техника тараккиётига доир 130 та тадбир, 180 та рационализаторлик таклифи жорий этилиб, 250 минг сўмлик иқтисодий наф олинади.

Тошкентда ошхонабоп ва бошқа турдаги мебель ишлаб чикарадиган завод, Шеробод шаҳрида кулолчилик цехи, Андижон шаҳрида болалар боғчаси муддатидан илгари ишга туширилади.

Бевосита корхоналарнинг ўзида 3000 нафар янги ишчи тайёрланади.

ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириги 1980 йилнинг 20 ноябригача, ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ 25 ноябргача бажарилади, меҳнат унумдорлигини ошириш беш йиллик топшириги 1980 йил 20 ноябрга бажарилади. Суткасига 1500 тонна ун ва 245 тонна омихта ем ишлаб чикарадиган қўшимча қувватлар ишга туширилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари 20 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 15 минг тонна сифатли ун, 10 минг тонна омихта ем, 3 минг тонна гуруч, жами 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чикарилади. Пландан ташқари 350 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган план 1.5 процент ошириб бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг камида 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш даражаси 10 процент кўтарилади. Темир йўл вагонларига ун ортадиган 6 та телескопик транспортёрни тайёрлаб жорий этишга эришилади. Андижон ва Охангарон нон комбинатларида штабель қилиладиган қурилмаларини ишлатиш ўзлаштирилади.

Йилига 340 минг сўм шартли тежам берадиган 438 та рационализаторлик таклифи, донни қайта ишлашнинг илғор технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилади, юқори нав ун олишни нормага нисбатан 1.5 процент кўпайтириш таъминланади

Ғалла қабул қилиш корхоналарининг материал-техника базасини бошоқли экинлар ҳосилини тайёрлаш базаларини 1 июлгача, шоли, дон ва маккажўхори тайёрлаш базаларини 1 августгача тахт қилиб қўйиш таъминланади.

1035 нафар ишчи тайёрланади ва 480 ишчига турдош касблар ўргатилади. 2600 ходим иқтисодий таълимга жалб этилади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

Халқ хўжалиги юкларини ташиш беш йиллик плани 1980 йил 2 декабрда, пассажир ташиш плани 9 декабрда, аҳолига транспорт, маиший хизмат кўрсатиш плани 12 сентябрда бажарилади. Беш йиллик пландан ташқари камида 23 миллион тонна юк, 103 миллион нафар пассажир ташилади, аҳолига 4.8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 2 процент оширилади ва транспорт маҳсулотини кўпайтиришнинг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади

Халқ хўжалиги юкларини ташиш йиллик плани 21 декабргача, автобуслар ва енгил таксомоторда пассажир ташиш плани 27 декабрда, саноат маҳсулоти реализация қилиш ва аҳолига транспорт экспедиция хизмати кўрсатишдан даромад олиш плани 25 декабрда бажарилади.

Пландан ташқари 3 миллион тонна юк, 20 миллион пассажир ташилади, 565 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация килинади, аҳолига қўшимча равишда 200 минг сўмлик хизмат кўрсатилади.

Юк автомобилларидан фойдаланиш коэффициенти 0,66 га етказилади, уларнинг йўл юриш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти 0,585 га, иш режими суткасига 10 соатга етказилади. Прицепларда юк ташиш ҳажми 1976 йилда эришилган даражадан 15 процент, контейнерларда, пакетларда ва тагликларда юк ташиш 6.5 процент кўпайтирилади.

Йилига 1 миллион сўм шартли тежам берадиган камида 2450 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Юк ва пассажир ташиш ҳамда саноат ишлаб чиқариши ҳамма турларининг таннархи 0.3 процент камайтирилади, 10 миллион сўм қўшимча фойда олинади. 6900 тонна автомобиль ёқилғиси, 1350 минг киловатт-соат электр энергия ва 3,5 минг гекакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади.

(Давоми учинчи бетда).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Автомат телефон станциялар ва шаҳарлараро алоқа кабель линия қувватларини ишга тушириш беш йиллик плани 4 йилда бажарилади ва телефон станцияларида пландан ташқари 60 минг номер ишга туширилади. Ҳамма колхоз ва совхозлар телефонлаштириб бўлинади. Беш йиллик мобайнида 300 та янги алоқа бўлими очилади, шундан 225 таси қишлоқ жойларида ишлай бошлайди.

Даромад ва маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган йиллик план 30 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги 1976 йилда эришилган даражага нисбатан 4,1 процент оширилади, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг камида 60 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Маҳсулот таннархи планга нисбатан 0,1 процент арзонлаштирилади, пландан ташқари камида 50 минг сўм фойда олинади.

64,5 минг номерли, шу жумладан муқобил планга мувофиқ 8 минг номерли шаҳар ва қишлоқ телефон станцияларининг ишга туширилиши таъминланади.

Қишлоқ телефон станциялари қувватидан фойдаланиш коэффициенти 83 процентга, шаҳар телефон станциялари қувватидан фойдаланиш коэффициенти 86 процентга етказилади. Республиканинг 11 районидаги телефон алоқаси тўлатўкис автоматлаштирилади. 80 колхоз ва 37 совхозда ички ишлаб чиқариш телефон алоқаси қурилади.

Камида 1100 рационализаторлик таклифини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан йилига 680 минг сўм шартли иқтисодий наф олинади.

20 декабргача 50 та янги алоқа бўлими, шу жумладан қишлоқ жойларда 30 та янги алоқа бўлими очилади. 450 та участкага омонат етказиб бериш моторлашган системага ўтказилади.

«Союзпечать» корхоналарининг товар оборати плани 29 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 200 минг сўм даромад берилади. Чакана савдо тармоғида 45 та янги киоска очилади, шундан 10 таси қишлоқ жойларида ишлай бошлайди.

УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

Халқ хўжалик юкларини ортиб жўнатиш юзасидан беш йиллик план 1980 йилнинг 25 декабрида бажарилади ва пландан ташқари 1,7 миллион тонна юк ташилади. Беш йилликда меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 0,5 процент оширилади ҳамда юк ташиш ҳажми кўпайишининг 91 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Юк ташиш таннархи планга нисбатан 5,1 процент пасайтирилади ва пландан ташқари 1,6 миллион сўм фойда олинади.

Халқ хўжалик юкларини ортиб жўнатиш йиллик плани 30 декабрда бажарилади ва йил охиригача пландан ташқари камида 300 минг тонна юк жўнатилади. Вагон оборати топшириққа нисбатан 0,01 сутка тезлаштирилади, статистик нагрузка 0,05 тонна кўпайтирилади.

Меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 1 процент оширилади ва юк ташиш ҳажми кўпайишининг 91 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажарилади. Юк ташиш таннархи планга нисбатан 0,1 процент камайтирилади ва пландан ташқари камида 300 минг сўм фойда олинади.

Локомотивларда камида 9 минг тонна дизель ёқилғиси, 2,9 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Иқтисодий самараси камида 3 миллион сўмга борадиган 5150 та таклиф жорий этилади.

46,5 минг квадрат метр фойдали уй-жой саҳни битказиб топширилади, бешта алоҳида пунктларда сув ташиб келтириш тугатилади.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

Транспорт авиацияси бўйича ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 20 декабригача бажарилади ва халқ хўжалигида авиация ишлатиш топшириғи 5 декабргача бажарилади. Беш йилда пландан ташқари 150 миллион пассажир-километр училади, меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,5 процент оширилиб, 6 миллион сўм қўшимча фойда олинади. Беш йилда камида 12 минг тонна авиаёнилғи ва 3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича 1977 йилги давлат плани транспорт авиациясида 29 декабрда, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш бўйича 20 декабрда бажарилади. Сифат кўрсаткичларини яхшилаш — пассажир креслоларини банд этишни планга нисбатан 0,3 процент ошириш ва ҳар бир самолёт учишини кўпайтириш ҳисобига қўшимча 23 миллион пассажир-километр училади ва пландан ташқари 270 минг сўм фойда олинади. Меҳнат унумдорлиги 1976 йилга нисбатан 4,4 процент, шу жумладан пландан ташқари 0,1 процент оширилади ва иш ҳажми умумий ўсишининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

590 та рационализаторлик таклифини, янги техника ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тадбирларини жорий этишдан йилига камида 600 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. 2 минг тонна авиаёнилғи, 870 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача Қарши шаҳридаги учиш-қўниш полосаси реконструкция қилиниб бўлади. Қўқон шаҳридаги аэропортнинг биринчи навбати, Урганч аэропортидаги чирок-сигнал ускуналари, Тошкент аэропортидаги аэродром механизация базаси фойдаланишга топширилади.

2,5 минг авиаходим тайёрланади ва малакаси оширилади.

МЕБЕЛЬ ВА ЁГОЧСОЗЛИК САНОАТИ БОШҚАРМАСИ

Ўнинчи беш йилликнинг ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан белгиланган топшириғи 1980 йилнинг 5 ноябригача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 1 декабригача бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 3,0 процент оширилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқариш 15 баравар кўпайтирилади.

Маҳсулот реализация қилиш юзасидан йиллик план 24 декабргача бажарилади.

1976 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ва мебель тайёрлаш 7 процент кўпайиши таъминланади.

Йиллик пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги 6 процент, шу жумладан янги техника тадбирларини жорий этиш ҳисобига 3 процент оширилади. Товар маҳсулот ўсишининг 83 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади.

Ишлаб чиқаришга механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади.

Жами иқтисодий самараси 196 минг сўмга борадиган 200 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

150 минг сўмлик хом ашё ва материал, шу жумладан: 380 куб метр елимланган фанера, 338 минг киловатт-соат электр энергияси, 330 тонна шартли ёқилғи, 2000 гекакалорий иссиқлик энергияси тежалади.

20 хил янги мебелни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Икки хил мебель гарнитураси ва икки хил якка-якка мебель давлат Сифат белгисини олиш учун қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ДАВЛАТ БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ КОМИТЕТИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 1 ноябригача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 10 ноябригача бажарилади. Бўз, Наманган, Мирзачўл балиқчилик хўжаликларини барвақт ишга тушириш таъминланади.

Маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йилги план барвақт, 25 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 1,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Йиллик пландан ташқари 3000 центнер балиқ, шу жумладан ҳовузларда 1000 центнер балиқ етиштирилади.

Планга қўшимча 300 минг шартли банка балиқ консерваси, 600 центнер дудланган балиқ маҳсулотлари тайёрланади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,8 процент оширилади, ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш асосида пландан ташқари 140 минг сўм фойда олинади, қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент пасайтирилади.

6100 минг шартли банка консерва давлат Сифат белгиси билан чиқарилади, Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 23 процентга етказилади.

«УЗПЛОДООВОЩЧВИНПРОМ» АГРАР САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 17 октябригача бажарилади, пландан ташқари 130 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 4 процент оширилади. Олий сифат категориясида маҳсулот чиқариш 9 баравар кўпайтирилади.

Маҳсулот реализация қилиш йиллик плани барвақт, 8 декабрь бажарилади, қўшимча 18 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 1976 йилга нисбатан 3,1 процент кўпайиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,2 процент оширилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг камида 80 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Пландан ташқари 20 миллион шартли банка консерва, 100 минг декалитр вино, 100 минг шиша шампан виноси, 100 минг декалитр ликер-ароқ ичимликлар тайёрланади.

11 та механизациялашган поток линия, жами иқтисодий самараси 250 минг сўмга борадиган 210 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Қўл меҳнатининг салмоғи 2,7 процент камайтирилади.

Маҳсулот хиллари кўпайтирилади, янги беш хил маҳсулотни тайёрлаш ўзлаштирилади. 99 номдаги маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга тавсия қилинади, Сифат белгисини олган маҳсулот чиқариш салмоғи умумий маҳсулот ҳажмининг 6,4 процентига етказилади.

1000 тонна мева-сабзавот хом ашёси, 10,5 минг декалитр вино ичимликлари, 655 тонна шартли ёқилғи, 760 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Беш йилда ишлаб чиқариш ҳажми 46 процент кўпайтирилиб, план 1980 йилнинг 1 декабрига бажарилади. Меҳнат унумдорлиги плани 1980 йилнинг 10 декабригача бажарилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 6 баравар кўпайтирилади. Машина-ускуналарнинг сменали иш коэффициенти 1,49 дан 1,75 гача оширилади. 6 минута трактор ва 4 минута пахта териш машинаси тайёрлаб чиқарадиган қувватларнинг ишга туширилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план 28 декабрда бажарилади. Муқобил план ва пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 250 та трактор, 50 та ФГС-2,4 мосламаси, 100 та электр привод, 200 та СҲХ-31 узели, қишлоқ хўжалик машиналари учун 100 минг сўмлик запас қисмлар, 500 тонна пўлат қуйилма реализация қилинади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан йиллик план 0,8 процент ошириб бажарилади, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 80 проценти ҳосил қилинади. Техника жиҳатидан асосланган иш нормасининг солиштирма салмоғи 1976 йилги 79 процент ўрнига 81 процентга етказилади.

Асосий ишлаб чиқаришда механизация даражаси 83 процентгача оширилади. 1977 йилги ҳосилни териш мавсумигача инак пахта терадиган 650 та машина тайёрлаб чиқарилади, МТЗ-80Х тракторлар ва модернизация қилинган чигит сеялкаларини қўллаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ечимларини жорий этишдан 8,5 миллион сўм миқдорида, рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 1,8 миллион сўм миқдорида иқтисодий самара олинади.

Таннархнинг пландан ташқари 115 минг сўм арзонлашиши таъминланади ва пландан ташқари 600 минг сўм фойда олинади.

17ХВ-1,8Б пахта терим машинаси давлат Сифат белгисини олиш аттестациясига қўйилади, Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 23 процентга етказилади, бракдан нобудгарчилик 1976 йилга нисбатан 4 процент камайтирилади.

БУТУНИТТИФОҚ «УЗБЕКГАЗПРОМ» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 17 декабригача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 22 декабригача бажарилади, пландан ташқари 8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Саноат маҳсулотларини реализация қилиш йиллик плани 29 декабргача бажарилади. Йиллик пландан ташқари 1,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Саноатда меҳнат унумдорлиги йиллик планга нисбатан 0,2 процент оширилади ва пландан ташқари 0,6 миллион сўм фойда чиқазилади, пландан ташқари 250 миллион куб-метр газ, шу жумладан юбилейгача 230 миллион куб-метр газ қазиб чиқарилади.

Газ қудуқларини ишлатиш коэффициенти планда кўзда тутилган 0,93 ўрнига 0,95 га етказилади. Ўртабулоқ конида газ қазиб чиқариш лойиҳада белгиланган қувватга нисбатан 100 миллион кубметр кўпайтирилади.

24 миллион киловатт-соат электр энергияси, 60 тонна дизель ёнилғи, 14 тонна металл тежалади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳисобига 980 минг сўмлик шартли тежам ҳосил қилинади.

Янги техника ва технология борасидаги тадбирлар жорий этилиши ҳисобидан 1,8 миллион сўмдан иборат йиллик иқтисодий самара олинади.

«УЗТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 15 декабригача бажарилади. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 50 процентга етказилади. Машина ускуналарнинг сменали иш коэффициенти 20 процент оширилади. Фонд самараси 8 процент кўтарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план барвақт, 1977 йилнинг 28 декабрида бажарилади.

Пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, шу жумладан 25 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,2 процент оширилади ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 90 процентга етказилади, фонд самараси 1976 йилга нисбатан 3,5 процент оширилади, машина—ускуналарнинг сменали коэффициенти 1,16 дан 1,3 процентгача етказилади.

Янги техника юзасидан 92 та ташкилий-техникавий тадбир, иқтисодий самараси 190 минг сўмга борадиган 170 та рационализаторлик таклифи, битта механизациялашган поток линия ишлаб чиқаришга жорий этилади, буларнинг ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади.

Иккита янги хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, битта маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга қўйилади. Сифат белгисини олган маҳсулотлар салмоғи 15 процентга етказилади.

450 минг киловат-соат электр энергияси, 55 тонна қора металл, 50 тонна рангли металл тежалади.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 15 декабригача, меҳнат унумдорлигини ошириш плани 1980 йилнинг 1 декабригача бажарилади.

Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш 6 баравар кўпайтирилади. Машина—ускуна сменали иш коэффициенти 1,5 га етказилади. Ўнинчи беш йилликда поток линияларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план барвақт, 28 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, шу жумладан муқобил план ҳисобига 90 минг сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланади. Саноат ишлаб чиқаришининг 1976 йилга нисбатан 10,3 процент ўсиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,3 процент оширилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 проценти меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 1976 йилдаги 75,9 процент ўрнига 86 процентга етказилади.

9 хил янги маҳсулот, уч хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, уч хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олиш учун тайёрланади, умумий ишлаб чиқариш ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 0,4 процентдан 3,4 процентга етказилади.

270 минг киловатт-соат электр энергияси, 20 тонна шартли ёнилғи, 52 тонна қора металл тежалади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 20 декабригача, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 15 декабригача бажарилади. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 31 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилади, фонд самараси оширилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўпчилик маҳсулот турлари чиқариш юзасидан йиллик план барвақт, 26 декабрда бажарилади.

Пландан ташқари 1500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади .

Йиллик пландан ташқари энг муҳим маҳсулот турлари: 29 минг дона РПУ—1 ва П реле, 210 дона бошқариш шкафлари ва пультлари, 20 минг дона АБ—25 автоматлари ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Саноат ишлаб чиқариши 1976 йилга нисбатан 13,4 процент ўсиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,4 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади. Пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

Янги техника юзасидан 49 та тадбир, иқтисодий самараси 594 минг сўмга борадиган учта механизациялашган поток линия жорий қилинади, шартли равишда 590 кишини бошқа ишга ўтказиш таъминланади.

Жами иқтисодий самараси 477 минг сўмга борадиган 438 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

770 минг киловатт-соат электр энергияси, 70 тонна шартли ёқилғи, 310 тонна қора металл ва 82 тонна рангли металл тежалади.

Тўрт хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, икки хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга қўйилади, Сифат белгисини олган маҳсулотлар салмоғи жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 27,8 процентига етказилади.

«ЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 20 декабригача бажарилади. Беш йилда меҳнат унумдорлиги 49 процентга оширилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 67 процентига, машина-ускуна сменали иш коэффициенти 1,4 га етказилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва қўпчилик маҳсулот турларини чиқариш юзасидан йиллик план барвақт, 27 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, шу жумладан, 20 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Пландан ташқари 640 дона электр калорифер установкаси, 500 дона электр калорифер, 50 дона ТД—500 трансформатори тайёрлаб чиқарилади.

Саноат ишлаб чиқариши 1976 йилга нисбатан 8 процент кўпайиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,9 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 84 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Пландан ташқари 70 минг сўм фойда олинади. Фонд самараси 1976 йилга нисбатан 6 процент кўпайиши таъминланади.

Иккита механизациялашган поток линия ишлаб чиқаришга жорий этилади ва шунинг ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 2,5 процент камайтирилади.

267 минг киловатт-соат электр энергия, 11 тонна шартли ёқилғи ва 300 тонна қора металл тежалади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 192 минг сўмлик иқтисодий самара ҳосил қилинади.

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ «СРЕДАЗУГОЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Кўмир қазиб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириқ 1980 йилнинг 20 ноябригача бажарилади. Пландан ташқари 600 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади, 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади ва 1 миллион сўм фойда олинади.

Кўмир қазиб чиқазиш йиллик плани барвақт, 26 декабргача бажарилади, қўшимча 630 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Саноат ишлаб чиқариш 1976 йилнинг планига нисбатан 3,6 процент ўсиши таъминланади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади.

Йиллик пландан ташқари 105 минг тонна кўмир, шу жумладан йирик ва ўрта классда 22 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,5 процент, фонд самараси эса 1,2 процент оширилади.

270 минг киловат-соат электр энергияси, 17 тонна шартли ёқилғи, 160 кубметр ёғоч-тахта тежалади. Техника тараққиёти тадбирларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан камида 95 минг сўм, ихтиро ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 460 минг сўм шартли иқтисодий самара ҳосил қилинади. Пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириғи 1980 йилнинг 15 декабригача бажарилади, пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 процентига етказилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани барвақт, 28 декабрда бажарилади, пландан ташқари 550 минг сўмлик, шу жумладан муқобил план бўйича 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш 1976 йилга нисбатан 35 процент, маданий молдар ва рўзғор моллари 32 процент, рўзғор химияси маҳсулотлари 29,9 процент кўпайиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 70 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилинади. Пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади.

30 хил янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади. Уч хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга қўйилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 150 минг сўмлик иқтисодий самара ҳосил қилинади.

290 минг киловатт-соат электр энергияси, 380 гекакалорий иссиқлик энергияси тежалади.

Йилнинг биринчи ярмида пенополиуретандан безак маҳсулотлар тайёрлайдиган участкаси бўлган тажриба-эксперимент корпус фойдаланишга топширилади ва беш хил маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарида бошлайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан бутун куч-қувват, билим, ижодий изланишларини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришишга сарфлайдилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига чексиз садоқатларини фидокорона меҳнатлари билан намойиш қиладилар, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, Совет ҳукумати ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар меҳнаткашлар коллективларида муҳокама этилиб қабул қилинган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида маъқулланган

Чет эл янгиликлари ТАСС АПН

АДДАН:

СССРга ЙЎЛЛАНМА

Яман—Совет дўстлиги кунлари ўтказилиши муносабати билан «Яман Халқ Демократик Республикаси—СССР» дўстлиги комитетининг қарорига мувофиқ ўтган йилнинг ноябрь ойида демократик Яманда эълон қилинган конкурс «Совет Иттифоқи тўғрисида нималар биласиз!», деб аталади.

Маданият ва туризм министрининг ўринбосари Муҳаммад Абдил Кави бошчилигидаги мўътабар комиссия конкурс натижаларини эълон қилди. Аддан шаҳрининг фуқароси, планлаштириш министрлигининг хизматчиси Наги Али Солиҳ конкурсда ғолиб чиқди. У Совет Итифокига бир ҳафта сафар қилади. Советлар мамлакатидаги ҳаёт тўғрисида кўп нарса билганлигини намойиш қилган демократик Яманнинг бошқа гражданларига рағбатлантириш мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилади.

(ТАСС).

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср ҳукумати қисман қайта ташкил этилганлиги бу ерда эълон қилинди. Ички ишлар министри Х. Фаҳмий ишдан бўшатилди. Яқинда бўлиб ўтган халқ ғалаёнларининг олди олинмаганлиги учун жавобгарлик унинг зиммасига юкланди.

Энди ички ишлар министри лавозимини бош министр М. Салим бажарадиган бўлди. Социал ишлар ва социал страхование, информация ва маданият, қишлоқ хўжалиги, ирригация, туризм ва граждан авиацияси министрликларига ҳам янги министрлар, шунингдек агросаноат бирлашмаларининг давлат министри тайинланди.

Шу билан бирга, мамлакатда сўнгги вақтларда рўй берган воқеалар муносабати билан коммунистларни ва сўл кучларни «қўпорувчилик фаолиятида» айблаш кампанияси давом этмоқда. Миср Араб Республикаси бош прокурори И. ал-Калюбийнинг айтганларига асосланиб, Миср официоз матбуоти, ҳозирги вақтда 200 киши судга берилиб, уларнинг иши кўрила бошланганлигини маълум қилади. Улар «Миср манфаатларига қарши иш кўраётган яширин коммунистик ва экстремистик сўл ташкилотлар» билан алоқа боғлашда айбланмоқдалар. Ўнг матбуот органлари Миср нинг Миллий-тараққийпарвар партиясига ҳужум қилишни гўхтатмаётир.

Президент А. Садат Миср Араб Республикаси студентлари умумий союзи кенгашининг аъзолари билан учрашган чоғда студентлар союзининг раиси Ш. Ҳафиз яқинда Мисрда бўлиб ўтган ғалаёнлар халқ оммасининг оғир қашётини акс эттирди, деди. Халқ оммаси ҳукумат ўзининг бир неча бор берган ваъдасини бажаради, оддий мисрликларнинг оғир иқтисодий аҳволини яхшилайди, деб умид боғлаган эди. Ҳукуматнинг энг зарур молларнинг барқарор нархларини сақлаш учун субсидияни камайтириш тўғрисидаги қарори билан, деди у, бу умидларнинг ҳаммаси чиппакка чиқди. Бу эса юз берган воқеаларнинг бевосита сабабчиси бўлди.

Студентлар союзининг раҳбари меҳнаткашлар гарданига янги машаққатлар юкланмайди, деб ишонч билдирди. У давлат бюджетининг дефицити кўп даромад олаётган шахслар ҳисобига қопланиши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Ш. Ҳафиз ҳукуматни текинхўрлик даромадларига қарши кураш олиб боришга, забизийнат буюмларини импорт қилишда таможня божларини оширишга даъват этди. У мамлакат студентлари фикрини ифодалаб, исрофгарчиликни тугатиш, минимал иш ҳақини ошириш, иш ҳақи билан нархнавонинг тегишли даражаси бир-бирига мос бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Студентлар союзининг раиси Миср оммавий информация воситалари газетхонларни алдаганлиги, фактларни сохталаштирганлиги ва бемаъни кампаниялар ташкил этганлиги учун уларни танқид қилди.

Ш. Ҳафиз яқинда бўлиб ўтган ғалаёнлар чоғида қамоққа олинган студентларни озод қилишга чақирди.

МИСРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ҚУВАЙТ. (ТАСС). «Қувейт таймс» газетаси Миср раҳбарларининг сўнгги вақтларда рўй берган воқеаларга муносабатини ўз айбини бировларга тўнкаш билан таққосламоқда Шунисн кишини ҳайратда қолдирадики, деб ёзади газета, Миср раҳбарлари яқинда бўлиб ўтган ғалаёнларнинг асосий сабабларини муҳокама қилмадилар ва ҳамма ишда коммунистларни айбладилар Ана шу воқеалар учун Миср ҳукуматидан ва унинг ғарбдаги янги дўстларидан бошқа ҳеч ким тўла жавобгар эмас. Башарти президент Садат араб дунёсидаги, ғарбдаги айрим қимсалар ёки ҳатто мисрликларнинг ўзлари унинг айбини бошқаларга тўнкаш йўлидаги стратегиясига ишонади деб ҳамон ўзига тасалли берадиган бўлса, фақат таассуф билдириш мумкин. Садат қандай қилиб бошқача ўйламасин, у ўз иқтисодий сиёсатининг инкирозга учраганлигини ва очиқ эшик сиёсати тўла барбод бўлганлигини хаспўшлай олмайди.

Арабларнинг ёрдами ва халқаро ёрдам, деб давом килди «Қувейт таймс» газетаси, илгари бўлганидек давом этаверади. Лекин бу ёрдам фақат ички аҳволни енгиллаштириши ва бу ёрдамнинг оқими қуриб, то тамом бўлмагунча кескинликни камайтириб туриши мумкин. Ҳозирги вақтда Миср ҳақиқатан ҳам бирон нарсага муҳтож экан, деб хулоса чиқаради газета, у ҳам бўлса тўб ички иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдир. Коммунистлар билан Совет Иттифоқи Миср мувафақиятсизликларга учраганлигининг сабабчилари бўлиши мумкин эмас.



ГАЗАЛКЕНТдаги 63-сонли қишлоқ хўжалик мутахассислиги ўрта техник билим юртида 500 дан зиёд йигит ва қизлар бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, машинист-тракторчи, газоэлектр пайвандчи каби қўшлаб мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Яқинда ана шу билим юрти ўқувчиларининг шоир ва ёзувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Суратда: шоир Азиз Абдуразоққа билим юртининг аълочи ўқувчиси Муқаддам Ходиева гул тақдим этмоқда.

И. Портнов фотоси.



САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Совет савдоси техникуми талабалари ўзларининг бадиий хаваскорлик ансамбларини «Орзу» деб номлашди. Ансамблга техникум эстетика ўқитувчиси Эркин Нурмуҳамедов раҳбарлик қилмоқда. Маҳоратларини тинимсиз ошириб бораётган ёш ҳаваскорлар ўзларининг концерт номерлари билан тез-тез студентлар кўнглини хушнуд қилмоқдалар. Концерт номерлардан Ватанни, ёшликни мадх этувчи ёқимли куй ва қўшиқлар жой олган. Бу қўшиқлар ва рақслар маҳорат билан ижро этилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Ансамбль қатнашчиларидан Юлдуз Нурматова, Гулнора Охунжонова, Озода Жўраева, Жўра Қодиров ва бошқаларнинг чиқишларини санъат шайдолари юқори баҳоламоқдалар.

«Орзу» ансамблининг қатнашчилари ҳали изланишда. Улар ўз репертуарларини кўп миллатли халқимиз куй ва қўшиқлари билан бойитиш ниятидалар.

Б. ҲОЛМУҲАМЕДОВА.

Суратда: ансамбль қатнашчиси Г. Охунжонова «Шаҳло» рақсини ижро этмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

СОВЕТ ДЕНГИЗЧИЛАРИГА РАҲМАТ

Совет Иттифоқининг Янги Зеландиядаги элчихонасига яқинда Окленда яшовчи Роберт Макинтаердан миннатдорчилик мактуби келди. Хат муаллифи Тинч океанида уч дўсти билан ҳалокат ёқасида қолганида «Владивосток» кит овлаш кемасининг денгизчилари қутқариб қолганлигини ёзган эди.

«Кучли довул пайтида бизнинг парусли кемамиз чўкиб кетди,— деб ёзади Макинтаер,— биз ўн уч кун сув ва таомсиз резинали қутқарув қайиғида жон сақладик. Агар совет денгизчилари ёрдамга келишмаганда ҳалок бўлишимиз ўтурган гап эди. Улар бизни қутаргач, уч ҳафта парваришлашди. Ўшанда биз совет денгизчилари ажойиб дўст, ҳақиқий инсонпарвар эканлигига ишондик. Сизнинг мамлакатингиз ҳақида таассуротимиз жуда қавшоқ бўлиб, фақат капиталистик пропаганданинг сиёсий принципларга мосроқ тушган информациялар билан чекланган эдик, холос. Энди эса ўз тажрибамиз мисолида социалистик жамият чинакам инсонпарварларни тарбиялайдиган, ҳар бир дақиқада оғир аҳволда қолган кишига ёрдам қўлини чўзишга тайёр турадиган кишилар жамияти эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилдик».

БОЛАЛАРНИ ОТА-ОНАЛАРИ ҮҒИРЛАШМОҚДА

Америка Қўшма Штатларида ҳар йили 25 мингдан зиёд болалар ўғирланмоқда. Бироқ бу—ўғирлик фарзандларни пул тўлаб ажратиб олиш мақсадларида қилинаяпти деб бўлмайди. Болаларни... уларнинг ота-оналарининг ўзлари ўғирлашмоқда. Қўйди-чиқинда суд ҳукми билан ажрашган эр-хотин кейинчалик бир-бирларидан фарзандларини хуфиёна йўл билан ўғирлашмоқда. Ўз фарзандини ўғирлаганлар бошқа штатда бола унинг номига ўтказиб бериши умидида шундай қилишмоқда. Кўпинча шундай қарорга ҳам келиниб ҳукм чиқариб берилянти. Болаларни ўғирлаш америкалик чакана ишбилармонлар учун чинакамига «олтин топилма» бўлиб хизмат қилмоқда. Кўпгина ота-оналар фарзандини ўз қўли билан ўғирлашга журъат этмай, бу ишга бошқаларни ёллашмоқда. Бола ўғирлари эса бу ишни ўта уддабуронлик билан—аниқ, шикастсиз ҳамда чаққонлик билан амалга оширишмоқда. Улар бу хизматлари эвазига бор йўғи—10 минг долларгача хизмат ҳақи талаб қилишмоқда, холос.

Реклама ва эълонлар

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
9 ФЕВРАЛЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КУРУЛТОЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Давлат мукофотининг лауреати

РАЪНОХОН НИЗОМОВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати

МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

Солистлар: БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ, ГУЛЧЕҲРА ИСМОИЛОВА, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ҲАВАСХОН ИСКАНДАРОВА, ҲАМРОҚУЛ ОДИЛОВ, САТТОР ИСЛОМОВ, ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ, АБДУФАТТОҲ САИДОВ.


ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ ва УТКИР СИДДИҚОВлар олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ

АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР доимо манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАЙДИ.

Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

«МИРАЖ»НИНГ ҮҒИРЛАНИШИ

Бироқ фургон йўлда бошқа томонга бурилиб, ижарага олинган гаражда тўхтаб ўтарди. Бу ерда ҳужжат солинган қутилар олиниб ўрнига бошқа шуларга айнан ўхшаш оддий қутилар юкланарди. Беш минутдан сўнг машина яна ўз йўлида давом этиб, печга етиб борарди. Печ даровозасидан қоравулга фургоннинг юки ҳақида маълум қилинарди. Инспектор чақиртириларди. Печнинг очиқ туйнуги олдида Фрауэнкнехт қутиларни бирма-бир очиб, инспекторларга асл ҳужжатлар ўрнига патентлар бюросидан 50 йил олдин рўйхатга олиниб, энди маҳсулотга сифатида сотиб олинган ҳужжатларни кўрсатарди. Инспектор чизмалар куйиб бўлгач, Фрауэнкнехт қўлидаги квитанцияга имзо қўйиб берарди.

Ҳар ҳафта Фрауэнкнехт амаки ваччаси билан Кайзеравгуст томон — қадимги Римга қалъа қолдиқлари билан ном чиқарган жойга қисқа муддатли саёҳатга чиқиб турарди. Исроилликлар бу жойни ГФР чегарасида эканлиги ва бу ерда уларнинг агенти борлиги учун танлашган эди. Агентни Ганс Штреккер деб аташарди, у Швейцариянинг «Ротцингер ва К» транспорт фирмаси хизматчиси ниқоби остида иш кўрарди. Унинг хизмат вазифаси «Ротцингер» юк машиналари ва Рейн дарёсида ҳаракат қилувчи кемаларини чегарагача кузатиб боришдан иборат эди. Божхона хизматчилари билан кундалик мулоқотда бўлганлиги учун ганс уларда шубҳа туғдирмас, полковник Кайн (бу Эйбл ҳам) Римдан туриб раҳбарлик қилаётган жосуслик ташкилоти учун ажойиб курьер ролини бажарар эди.

Г. Штреккер Фрауэнкнехт билан фақат бир марта юзма-юз учрашди. У Фрауэнкнехтга Кайзеругуст атрофидан «Ротцингер» омборларидан бирининг калитини берди. Шундан кейин улар ҳар ҳафтада узоқдан туриб кўришишадиган бўлдилар. Ҳар шанба куни Фрауэнкнехт Винтертурдан юкни олиб чиқиб, эрталаб соат 10 ва тушки пайт оралиқда «Ротцингер» омборига етказарди. Сўнгра бир кружка пиво ичиб томоқ ҳўллаб олиш учун мақсадли барга қирарди. Тушки маҳалда у ерга Штреккер ҳам бош суқиб тўрарди. Агар ҳужжатларни ортиш-тушириш операцияси ҳеч бир хавфсиз ўтса, Фрауэнкнехт бош ирғаб кўярди. Шундан кейин ҳар бири ўз иши билан жўнаб кетарди. Штреккер омборга бориб, ўзининг қора «Мерседес»ига қутиларни ортиб чиқарди. Швейцарияни Ғарбий Германиядан ажратиб турувчи дарёнинг кўпригидан унинг машинаси бемалол ўтиб кетарди. Машина юкхонаси на Швейцария, на Ғарбий Германия божхонаси томонидан ҳеч қачон текширилмасди. «Мерседес» Швецвальд шаҳрини кесиб ўтувчи автострадага чиқиб тезликни оширар эди. Бу шаҳардан жанубдаги Штутгарт томонга 90 километрча юрилгандан кейин кичик шаҳсий аэродром келар эди. Аэродромда Штреккерни икки моторли итальянча номерли реактив самолёт кутиб турарди. Бу самолёт чизмаларни Италия жанубидан Бриндизига элтарди. Бу ердан энди чизмалар Исроилнинг самолётида Тел-Авивнинг Лод аэропортига етказиларди. Саёҳат чизмаларнинг Исроил авиасозлик корпорацияси корхоналарининг жуда қаттиқ қўриқланадиган мутлақо махфий сейфларига тушиши билан якун топарди. «Қора парда» деб номланган бу операциянинг мақсади «Мираж» базасида Исроилнинг қирувчи—бомбардимон самолётини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришдан иборат эди.

«ГУЛЛАР СЎЛИДИ»

Чизмаларнинг биринчи партияси 1968 йилнинг 5 октябрида жўнатилди. Ундан кейин ўн икки ой мобайнида ҳар шанба куни 50 килограммдан махфий ҳужжат Винтертурдан Тель-Авив остонасига саёҳат қилди. Сўнгги «посилка» 1969 йилнинг 20 сентябрида жўнатилди. Ҳар қалай, Фрауэнкнехт уни «сўнгги» деб ҳисобларди.

У ўша сўнгги шанба куни Кайзеругустда одатдаги операцияни амалга оширгач, барга кирди ва иш осон кўчгани қувончига бир эмас, икки кружка пиво симирди. Аммо бу қувончнинг умри қисқа бўлиб чиқди.

Икки кундан кейин эрталаб соат олтида унинг квартирасидаги телефон жиринглади. Суҳбат инглиз тилида бўлди.

— Сиз Альфред Фрауэнкнехтмисиз?

— Ҳа.

— Гуллар сўлиди.

Фрауэнкнехт қотиб қолди. Бу икки сўз ҳалокатдан дарак берарди. Бу шартли сигнал билан исроилликлар уни сир фош бўлгани ҳақида огоҳлантириб, сўнгги ягона йўл-кўчишга ишора қилдилар.

Таассуфки, у беркинмади. Кўнгироқдан кейинги беш соат ичида у ўзини одатдагидек тутди. Хотини билан ўтириб нонушта қилди, етти яримда хизматга келди, почта ва газеталарни кўздан кечирди. Уларда одатдагидан ташқари ҳеч нима йўқ эди. Ҳамма нарса ўз ўрнида. Радиода ҳам, телевиденида ҳам фавқулодда диққатга сазовор ҳеч қандай хабар берилмади. Шунга қарамасдан у ўзини фош қилинганига ишонган эди.

Уни фақат бердандалар: ҳарбий идора бошлиқлари ёки контрразведка фош қилиши мумкин эди. Нега улар сукут сақлашяпти? Эҳтимол, унинг яширин фаолиятига доир фактларни эълон қилиш жанжал чиқарар ва Швейцария билан Франция ўртасидаги сиёсий ва ҳарбий муносабатларни узиб қўяр. (Бу воқеа маълум қилингандан кейин Франция билан Швейцария, шунингдек улар билан Исроил ўртасида ҳеч қандай сиёсат ёки ҳарбий низо келиб чиқмади.—Ред). Соат 11 да у департаментнинг олий офицерлари орасида танишлари кўп бўлган мудофаа бўлимига сим қоқди.

У маъмурлар билан музокора олиб бориш ниятида бўлиб, бунда таниш-билишларидан фойдаланмоқчи эди. Агар ҳукумат сирини ошкор қилмаслик ниятида бўлса, у ҳам шу йўлни тутмоқчи эди. Бироқ унинг кўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади.

Эртасига, 23 сентябрь куни эрталаб, одатдагидек хизмат жойига келди. Ҳамма нарса ўз ўрнида, соат саккиз яримда у машинага ўтириб Цюрих яқинидаги Дюбендорф аэродромига равона бўлди. У ерда соат ўнда муҳим кенгаш бўлиши керак эди—унда «Мираж» ўрнига янги типдаги қайси самолётни танлаш масаласи муҳокама қилинарди. Кенгаш белгиланган пайтда бошланди. Соат ўну йигирмада секретарь аёл Фрауэнкнехтга буклоғлик қоғоз узатди—уни ташқарига чиқиши сўраларди.

Қабулхонада уни беш киши кутиб туришарди. Улар федерал полиция, адлия министрлиги ва контрразведканинг ходимлари эди. Бир пастда унинг билакларига кишан солинди. Гуллар ҳақиқатдан ҳам сўлиган эди. Бу Фрауэнкнехтнинг айби билан эмас, Исроилнинг агенти Ганс Штреккер (аввало унинг бошлиқлари) «айби» билан содир бўлди.

Штреккернинг ўзи сувга чўккандек зим-зиё бўлган эди. Унинг ортиш-тушириш операцияси бошқа кишилар эмас, балки Карл Ротцингер ва унинг укаси Ганс томонидан фош қилинган эди. Улар ўз хизматчилари ҳордиқ куни бўлган ҳар шанбада нима иш билан шуғулланишларига қизиқиб қолишди. Омбор биносига киришган эди, кўзлари катта картон кутига тушди. Қути чизмалар билан лиқ тўла эди. Ҳар бир чизмада «Швейцария ҳарбий департаментига қарашли» деган ёзув бор эди. Ротцингерлар дарров полиция чақиришди.

Фрауэнкнехтни ҳибсга олиш аслида сиёсий эҳтиёткорлик юзасидан кетга сурилган эди. Гап шунда эдики ,асосий айбдор фақат унинг ўзигина эканлигини аниқлаш учун полицияга шу уч кун керак бўлди. (Бу тахмин унча ишонарли эмас, чунки Швейцария контрразведкаси унинг Исроил разведкаси билан алоқалари ҳақида яхшигина хабардор эди.—ред).

1971 йил 23 апрелда Альфред Фрауэнкнехт Олий суд томонидан Лозаннада суд қилинди. Тўрт кун давом этган процессдан кейин у саноат жосуслигида ва ҳарбий сирни ошкор этганликда айбдор деб топилди. Бироқ уни 10 йил турма жазосига эмас, тўрт ярим йил мажбурий меҳнатга ҳукм қилишди.

Фрауэнкнехт кетидан турма эшиклари ёпилгандан ярим йил ўтгач, «Мираж» типдаги Исроил қирувчи-самолётининг биринчи учиши амалга оширилди. Кейинчалик бу машина янада такомиллаштирилиб, шу асосда янгича «Кфир» деб ном берилган самолётлар сериясн ишлаб чиқарила бошланди.

«ЗА РУБЕЖОМ»дан А. Абдубаннопов таржимаси.

ТОНГ ШОҲИ

Тонг чоғида...
чақнаб
ёнди чақмоқ,
Арқон солмоқ бўлди
Тонгнинг бўйнига.
Яшин қилиб
шилдиратиб
шу чоқ,
Замин олиб кетди
ўзин қўйнига.

Абдулхай НОСИРОВ.

ЎТИНАМАН, ЁР

Ўтинаман, чертма дилдор,
Дилимдаги торимни.
Қўлларимга тутқазиб тор
Олма ихтиёримни.
Куйласам дил зорларини
Тош ҳам эриб сел бўлгай.
Сайратсам гар торларини
Ғунча яшнаб гул бўлгай.
Сим торни деб этма
мулзам,
У — сочларим толаси.
Қалбгинамда янграр ҳар
дам
Соф меҳрим шалоласи.
Ўтинаман, чертма дилдор,
Дилимдаги торимни.
Қўлларимга тутқазиб тор,
Олма ихтиёримни.

Фарида АБДУРАҲИМОВА

БИЛМАЙДИКИ...

Онам сени мард йигит
Ва доно деб мақтайди.
Куёв қилса қилгудай,
Кўп барно деб мақтайди.
Билмайдики, мен сени,
Юрагимни ёққанин.
Васлинг қўмсаб сен томон,
Хаёлларим оққанин.
Билмайдики, мен сени,
Сен-чи менн севишинг.
Эрта-индин уйинга
Сендан совчи келишин.
Билмайдики... О, онам,
Қаршимасман сенга ҳеч.
Мақтаганинг соз бирам,
Мақтайвергин эрта-кеч!

Умида АБДУАЗИМОВА.

ЗАВОДДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Бундан беш йил муқаддам Бекоободдаги Ўзбекистон металлургия заводида техника-иқтисод билимлари халқ университети иш бошлаган эди. Бу орада унда 700 га яқин инженер-техник ходим ўз малакасини оширди.

Ҳозир университет факультетларида 250 киши таҳсил кўрмоқда. Янги ўқув йилининг дастлабки машғулотлари самарадорлик ва сифат беш йиллигида оғир индустриянинг равнақи масалаларига бағишланди.

Завод коммунистлари томонидан олиб борилаётган машғулотлар ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Спорт

ФУТБОЛ

ЯНГИ МАВСУМ ҚАЛЕНДАРИ

Бу йилги мамлакат футбол чемпионати 2 апрелда старт олиб, ноябрь ойида тугайди. Биринчилик ўйинлари яна эски тартибда, яъни икки даврада ўтказилади.

Чемпионат бошланишидан бир ҳафта олдин командалар биллур совриғи — СССР кубоги матчларини бошлашади. Кубок эгаси 13 августда аниқланади. Чемпионат тугаб, олтин медаль эгалари маълум бўлгач, футбол мухлислари мавсум охирида яна бир қизиқарли ўйин гувоҳи бўлишади. Бу йил биринчи марта «Комсомольская правда» газетасининг «Суперприз» совриғи учун 1977 йилги СССР чемпиони билан Кубок эгаси ўртасида ўйин бўлади.

БАСКЕТБОЛ


ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Фрунзе ва Черновци шаҳарларида баскетбол бўйича аёллар командалари ўртасида мамлакат чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Тошкентнинг физкультура институти спорт клуби командаси навбатдаги турда яна мағлубиятга учради. Баскетболчиларимиз бу сафар Киевнинг «Динамо» командасига 77:87 ҳисобида ютқазишди. Тошкентлик спортчилар яна бу ерда Москва областининг «Спартак» ва Марказий армия спорт клуби командалари билан иккита ўйин ўтказишади.

ВОЛЕЙБОЛ

ЮТҚАЗИБ ТУРИБ...

Тошкентнинг «Динамо» командаси билан Грозний-нинг «Автомобилист» ўртасидаги учрашув мехмонларнинг ҳужуми билан бошланди. Улар кетма-кет ҳисобини



ошира бордилар. Мезбонлар эса ташаббусни бутунлай рақибларига бериб қўйиб кетма-кет хатога йўл қўйишди. Биринчи партияда енгилган тошкентликлар иккинчи бўлимда ҳам ўзларини ўнглай олишмади. 2:0 ҳисобида олдинга ўтиб олган Грозний футболчилари галабага жуда яқин эдилар. Лекин ўйинда кескин бурилиш ясаган тошкентликлар аввалига ҳисобни тенглаштирдилар, сўнгра эса ҳал қилувчи бешинчи партияда галаба қозондилар. Ҳисоб 3:2.

Кеча командалар такрор учрашишди.



Чирчиқдаги «Чимён» спорт клубида «Комсомолец Ўзбекистана» газетаси совриғи учун ўтказилган IV анъанавий турнир мухлисларда катта таассурот қолдирди. Иттифоқимизнинг 43 шаҳридан келган 250 га яқин спортчи йиғилган бу турнирда голиб келган 8 та спортчининг 3 таси республикамиз вакилларидир. Суратларда: (чапда). мусобақа пайти. (Ўнгда). 95 килограммгача полвонлар баҳсида голиб келган тошкентлик Тоҳир Дурдиев.

Э Йўлдошев фотолари.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЧАЙҚОВЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

ЯНГИЙЎЛ пахта тозалаш заводининг слесари С. Омонбоев бўш вақтидан ўзича «умумли» фойдаламоқчи бўлди. У узоқ ўйлаб ўтирмай эгри йўл билан бойлик орттиришга қарор қилди. Бунда С. Омонбоевга Челябинскда яшовчи қариндошуруғлари жуда қўл келишди. Улар чайқовчини тез-тез камёб моллар билан таъминлаб тура бошладилар.

Ўша куни бозорда жуда одам кўп эди. Харидорлар Омонбоевни бир пасда ўраб олдилар. Телпак, пальто, рўмолларнинг бозори чаққон эди. Унинг қўли-қўлига тегмай қолди. Аммо милиция ходимлари чайқовчининг табиби тортиб қўйишди.

Ундан шунча телпак, пальтоларни қаердан олганлигини суриштиришганларида Омонбоев буни тасодифга йўйиб, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилди. Лекин милиция ходимлари унинг бу гапларига ишонмадилар. Тинтув пайтида чайқовчининг уйидан 19 та иссиқ рўмол, 20 та аёллар жакети, кўплаб эркаклар куйлакларн ва жемперлари топилди. Чайқовчи жиноий жавобгарликка тортилди.

С. НУРМАТОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —Эрталабки гимнастика. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Третьяков галереясининг шоҳ асарлари 13.00 — СССР халқларининг кўшиқ ва рақслари. 13.45 — Н. Лесков. «Тўнаш» (фильм-концерт). 14.35 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.05 — «Доктор айболит» (бадиий фильм). 16.25 — «Здоровье». 16.55 — Музикали абонемент. 17.25 — «Ҳамдўстлик». 17.55 — Мультфильмлар. 18.25 — Спортлото. 18.35 — Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионати. 19.00 — Янгиликлар. 19.15— Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.25 —Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.25 — Концерт. 20.40 — «Инглизча қотиллик (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Инглизча қотиллик (бадиий фильм. 2-серия). 23.50 — Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионати. 00.20 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 Куйланг, ёш хонандалар. 10.50 — Ўзбек совет шеърияти антологияси. Уйғун. 11.00 — Волейбол. «Динамо» (Тошкент) — «Автомобилист» (Грозний). 11.40 — Кинокўзгуда ҳаёт. 12.30 — «Хонума-хонум» (спектакль). 18.05 — Болалар учун. фильм. 18.45—Санъат ғунчалари. 19.15 — «Ёшлик». 19.45 —«Ахборот». 20.00 — Ортиқ Отажонов куйлайди. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар. 21.35 — Дорбоз Тошкентбоевлар (ҳужжатли фильм). 22.00 — «Вақт». (Москва). 22.30 — Ж. Лондон. «Давр нутмайди» (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5ҒП да Севги ҳақида қисса, 6ҒП да Этик кийган мушук (12.00), Спартак (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5ҒП да Кўрмайин босдим тиконни, 6ҒП да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5ҒП да Гулбаҳор қани?, 6ҒП да Гулбаҳор қани? (кундуз ва кечқурун), 7ҒП да Ҳижрон.

Кино

Юлдуз юқорига тушади — «ВОСТОК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), САНЪАТ САРОЙИ (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00).

Подшо Пётр ҳабашни қандай уйлантиргани ҳақида қисса — «ЯНГИОВОД» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАЛАРИ ҲАММА КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

ПОЧТА ИНДЕКСИ ЎЗГАРТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОРРЕСПОНДЕНЦИЯЛАРНИ

Тошкент шаҳри — 115, ЧГСП. Қатортол кўчаси, кинопрокатга

ЖЎНАТИШ КЕРАКЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330256 гача, Эълонлар — 338142.

Р—01182. Узбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1558.